Халқ дегиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 5-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, АҚРАБ, 23-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 12 ноябрь, сешанба, 218-сон | НАРХИ ОВУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Энг долзарб мавзу

ОЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИГА ОЛТИ КУН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ўн иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясини шу йил 18 ноябрда чақириш ҳақидаги қарор матбуотда эълон қилинганига 12 кун бўлди. Маълумки, мазкур анжуман муҳокамасига бири иккинчисидан муҳим, каттаю кичик ўн еттита масала киритилган. Улар орасида диққатга ғоят моликлари: иқтисодий ҳамжамият ва суверен давлатлар иттифоқи хусусидаги шартномалар лойиҳаси ҳақида; Ўзбекистон билан Озарбайжон, Украина, Россия ўртасида олиб борилган икки томонлама музокаралар, имзоланган ҳужжатлар тақдирига доир масала ва ҳоказолар.

Шубҳасизки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилиши мазкур сессия учун улуғ воқеа бўлади. Ушбу лойиҳа «Халқ сўзи»нинг 4 октябрь сонида босилганди. Шундан сўнг рўзномада йигирмага яқин турли-туман мунозарабоп мақолалар, хабарлар чоп этилди ва қолган бир ҳафта ичида яна тўрт-бешта чиқиш бўлади. Фикримизча, муаллифларимиз киритган таклифлар (уларнинг аксарияти салмоқли ва фойдали) лойиҳа устида ишлаш жараёнида ҳисобга олинади. Биз бу қонуннинг ниҳоятда мукаммал, тўлақонли қабул қилинишидан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар ҳам манфаатдор эканликларини лутфан қайд этамиз.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида умумхалқ овоз беришини ўтказиш, ижара тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тартиби, ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия-бошқарув маҳкамалари тузилишини такомиллаштириш, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонуний ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш устида Олий Кенгаш комитетлари жиддий ишламоқдалар.

Республикамизнинг давлат рамзларини мустақиллик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда янгилаш долзарб муаммо сифатида анчадан буён ўртага қўйилмоқда. Ниҳоят, навбатдаги сессияда бу хусусдаги мунозараю тортишувлар тафсилоти таҳлил этилади.

Бу гал Олий Кенгаш сессиясини тайёрлаш мақсадида депутатлардан иборат нуфузли гуруҳ тузилгани ва у чинакамига терлаб-пишиб, комитетлар билан бир ёқадан бош чиқариб, қонун лойиҳаларини пухталаб, маромига етказаётганини алоҳида таъкидлаймиз. Ана шундай йўл тутиш Олий Кенгаш фаолияти қирралари қайралиб бораётганидан, унинг ҳаёт билан чамбарчаслиги таъминланаётганидан далолатдир.

Олий анжуман очилишига олти кун қолди. Ишлар эса қалашиб ётибди. Депутатларнинг, меҳнат аҳли вакилларининг бевосита Олий Кенгаш раёсатига, билвосита — «Халқ сўзи» орқали киритадиган ҳарқандай таклифлари бажонидил қабул қилинади.

ҚЎШМА МАЖЛИС

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика иқтисодиётида вужудга келаётган аҳвол, бюджет қандай бажарилаётганлиги, унинг даромад қисмини кўпайтиришга оид қўшимча имкониятларни сафарбар этиш ҳамда ички бозорни муҳофаза қилиш юзасидан, аҳолини энг зарур моллар билан барқарор ва кафолатли таъминлашни йўлга қўйиш, шу молларнинг тақсимланишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида иқтисодий идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Халқ хўжалигидаги танглик ҳолатларини бартараф этишнинг долзарб вазифалари бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқ хўжалиги тармоқлари фаолиятининг зарур ҳуқуқий негизини вужудга келтириш учун тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пул муаммоларини нормаллаштириш, янги пул чиқаришни қисқартириш ва банкдан бериладиган қарзнинг аҳамиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Кенгаш комитетларининг, Вазирлар маҳкамаси комплексларининг, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқиб, аниқ таклифлар киритдилар.

Бўлиб ўтган фикрлашувлар ва тушган таклифларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарди ва якунловчи нутқ сўзлади.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● **Болтиқ бўйидаги уч давлат — Латвия, Литва ва Эстония парламентларининг делегациялари Таллинда учрашдилар. Бу кенгашдан мақсад Болтиқ ассамблеясини таъсис этишдир. Ташкилотчиларнинг ниятига кўра, ана шу парламентлараро маслаҳат-мувофиқлаштирувчи муассаса мазкур давлатларни бир вақтда тўлқинлантираётган муаммоларни муҳокама қилиши керак.**

● Озарбайжон авиаторлари СССР Фуқаро авиацияси вазирлигининг барҳам топишига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Улар мамлакатдаги ҳудудий ҳамда республика авиакорхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб турган бу маҳкаманинг тугатилиши ҳақида Россия раҳбарияти ва СССР Давлат кенгаши қарорига асло қўшилмасликларини изҳор этдилар.

● **Жанубий Осетияда грузин ва осетинларнинг қуролли тўқнашувларини назорат қилиш қийин бўлиб қолди. Бемаъни можарога тобора янги-янги аҳоли пунктлари тортилаяпти. Жанубий Осетия Ахборот комитети матбуот марказининг маълумотларига қараганда, якшанбага ўтар кечаси Цхинвали чеккалари, Цхинвали ва Знаури районларидаги аҳоли пунктлари ўққа тутилган.**

● Танаффусдан сўнг РСФСР Олий Кенгаши сессияси яна иш бошлади. Депутатлар Москвада мўлжалдагидан бир кун аввал тўпланиб, Россия Президенти Борис Ельциннинг Чечен-Ингушетияда фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳақидаги фармонини муҳокама қилдилар.

● **«Канадиен банкнот» компанияси Украина пулларини зарб этиш ҳақидаги шартномага эга бўлди. Бундай пуллар келаси йил муомалага чиқарилади. Канадиен Пресс агентлигининг Киевдан хабар беришича, мазкур битимга Украина Олий Кенгаши раиси Л. Кравчук имзо чеккан. Манбалардан маълум бўлишича, бу ерда гап бир тангадан юз тангагача қийматли бир ярим миллиард банкнотни май ойи ўрталарига қадар тайёрлаш ҳақида бормоқда.**

● Ғарб мамлакатлари коммунистик партияларининг фаолиятини маблағ билан таъминлашда КПСС Марказий Комитетининг Халқаро бўлими иштирок этган эмас. Марказий Комитетнинг мазкур бўлинмаси собиқ раҳбари Валентин Фален Гессен радиосига берган мусоҳабасида шу ҳақда баёнот берди. У совет оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган, кейинчалик Ғарбда катта шов-шув уйғотган КПСС раҳбарияти хорижга жуда катта миқдорда пул ўтказиб турган, деган хабарни бутунлай рад қилди.

● **Республикалараро хавфсизлик хизмати раҳбари В. Бакатин ҳамда Молдова республикаси миллий хавфсизлик вазири А. Плугару ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда ҳаракат қилишнинг асосий йўналишлари кўзда тутилган ҳужжатни имзоладилар.**

● Туркия Озарбайжоннинг мустақиллигини расман эътироф этди. Бош вазир Месут Йилмазнинг айтишига қараганда, Озарбайжон томонининг ўз мустақиллигини тан олиш ҳақидаги мурожаати Вазирлар маҳкамаси мажлисида ҳар томонлама кўриб чиқилган ҳамда «Туркия томонидан Озарбайжонни расман эътироф этиш тўғрисида» қарор қабул қилинган.

● **Петербург мэри Анатолий Собчак собиқ муҳожирларнинг Россияга қайтишларини чеклашни бекор қилиш таклифини илгари сурди. Унинг фикрича, Петербургга кўчиб келганларга ер, уйлар сотиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилиш керак.**

● Арманистон Республикаси Президенти Левон Тер-Петросян 11 ноябрда АҚШга жўнаб кетди. Келишувга мувофиқ у Америка сафари чоғидаа Президент Жорж Буш билан учрашади.

● **Бундан буён туркман гиламлари, гази, пахтаси, бошқа хил товар ва ресурсларини хорижга сотишдан тушган валютанинг ҳаммаси республиканинг ўзида қолади. Туркманистон Президентининг фармонида шу ҳақда қатъий белгилаб қўйилди.**

● Москвада яна бир уюшма «Умид» («Надежда») ўз фаолиятини бошлади. У ихтиёрий асосда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, фан ва маданият арбоблари, муҳитшунослар, журналистлар, дин пешволари ва тадбиркорларни бирлаштирган. Уюшма ўз олдига табиий касалликлардан, давримиз учун жуда хос бўлган техноген фалокатлардан жабрланаётган одамларга жиддий хизмат кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек раққа қарши курашни авж олдиришни мақсад қилиб қўйди.

● **СССРнинг Чилидаги элчиси Юрий Павлов ватанга қайтмасликка қарор қилди. У Майами (АҚШ) университетларидан бирида муаллим бўлиб ишлаш ниятида. Мамлакат ташқи ишлар вазири Борис Панкин матбуот конференциясида «Комсомольская правда» рўзномасида босилган ана шу хабарни тасдиқлади.**

● Совет Иттифоқи ва Жанубий Африка Республикаси 1956 йилда тўхтатиб қўйилган консуллик муносабатларини тиклашга қарор қилдилар. Шу ҳақдаги ҳужжат ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари — Борис Панкин ва Рулоф Бота томонидан Москвада имзоланди.

(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланди).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: учрашув пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Италия, Нидерландия ва Швециянинг фавқулодда ва мухтор элчилари Фердинандо Саллео, Йори Михаэл Вос ҳамда Эрянь Бернерни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида И. А. Каримов элчиларни мустақил Ўзбекистон Республикасига келганлари билан табриклади. Меҳмонларга республикадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақида сўзлаб берилди, ҳозир Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилаётганлиги таъкидланди. Улар ҳозир республика олдида турган муҳим ва улкан муаммоларни биргаликда ҳал қилмоқдалар. Меҳмонларга республиканинг табиий бойликлари, республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида ахборот берилди.

Суҳбатда ёшлар муаммолари, сув ресурсларидан фойдаланиш, Орол бўйида экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол тақдирини ҳал қилиш тилга олинди.

Суҳбат чоғида меҳмонлар ўзбек халқининг қадимий маданияти тарихи билан таништирилди. Ўзбекистон Улуғбек, Ал Фаробий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий каби бутун дунёга машҳур буюк мутафаккирлар ватанидир. Бу йил улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланди. Меҳмонларга республикада илмий салоҳиятнинг ҳозирги тараққиёти ҳақида сўзлаб берилди.

Бозор муносабатларига ўтиш каби мураккаб муаммога алоҳида эътибор берилди. Бозор муносабатларига ўтиш чоғида республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқликда яшаётган шароитда нархнавонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Суҳбатда хусусийлаштириш бозорга ўтишнинг муҳим жиҳати бўлиши лозимлиги таъкидланди.

— Биз ўз мустақиллигимизни эълон қилдик, — деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти, лекин иттифоқ таркибидан чиқмоқчи эмасмиз, биз республикалар ўртасида ўзаро алоқалар фаол ўрнатилиши ва ривожланишини хоҳлаймиз. Барча мустақил республикалар ўз масалаларини ўзлари ҳал қилишсин, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан мустақил алоқа ўрнатишсин.

Ўзбекистон билан Италия ўртасида иқтисодий алоқа ўрнатиш, шунингдек элчилари суҳбатда қатнашган мамлакатлар матбуотининг Тошкентда ваколатхоналарини очиш истаги айтилди.

Меҳмонлар самимий кутиб олганлиги ва дилдан суҳбатлашганлиги учун Президентга миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Давлат ташқи савдо алоқалари комитети раиси У. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М. М. Орифжонов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАРОРИ

Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш ғоясини, унинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини республика аҳолисининг турли табақалари қўллаб-қувватлаётганликларини қайд этади. Партиянинг ўз амалий фаолиятида халқ анъаналарига таяниш, инсонпарварлик ва ахлоқ, ижтимоий адолат қоидаларини қарор топтириш, меҳнат аҳли ва ижтимоий жиҳатдан ночор табақалар манфаатларини ҳимоя қилиш муддаоси маъқуллаб кутиб олинди.

Республика фуқаролари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришишга, инсонлар фаровонлигини оширишга, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни қарор топтиришга, эркин, демократик ва равнақ топувчи жамиятни барпо этишга қаратилган мақсадини қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бундай жамиятда барча фуқароларнинг ҳуқуқлари, уларнинг миллатидан, ижтимоий аҳволидан, дини ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, ҳимоя қилинишига ишонч билдирмоқдалар.

Фақат умуминсоний маънавий қадриятларга, халқ анъаналари ва бирлигига таянган тақдирдагина ҳозир жамият тушиб қолган чуқур тангликдан муваффақиятли равишда қутилиш, демократик ўзгартишларни янада мустаҳкамлаш йўлига ўтиб олиш мумкин.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларига 345 мингдан кўпроқ киши аъзо бўлиб кирди ва бу жараён давом этмоқда. Қурултой барча партия аъзолари ва ташкилотларининг ҳоҳиш-иродасини ифода этиб, фаолият мазмуни ва шаклларига кўра янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП)ни таъсис этади.

Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурини қабул қилади ва низомини тасдиқлайди. Булар эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ қурултой марказий кенгашнинг сиёсий ижроия комитетига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг низомини рўйхатга олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ваколатларини беради, унга зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни Адлия вазирлигига тақдим этиш вазифасини топширади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. ОТАЖОНОВ, З. ИНОҒОМОВ, Қ. МИРЗАРАҲИМОВ ЎРТОҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари, муҳим тарбиявий аҳамиятга молик асарлар яратганликлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Ортиқ **Отажоновга** — М. Қориёқубов номли Ўзбекистон давлат филармониясининг яккахон хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ»

Зокир **Иноғомовга** — ранг-тасвирчи рассом

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Қосим **Мирзараҳимовга** — ҳайкалтарош рассом

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 9 ноябрь.

САМИМИЙ СУҲБАТ

Норасмий ташриф билан Тошкентга келган Боливия Республикаси сенатори Энрико Сурияни 11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Суҳбатда икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тўғрисида гап борди.

Ш. Р. Мирсаидов боливиялик меҳмонга республиканинг иқтисодий салоҳияти, хорижий мамлакатлар билан тижоратда шериклик қилиш имкониятлари ҳақида сўзлаб берди.

Энрико Сурия самимийлик билан қабул қилгани ва эътибори учун Ўзбекистон Республикаси вице-президентига самимий миннатдорчилик билдириб, дўстона алоқалар ўрнатишда ва савдо соҳасида кўмаклашишга тайёр эканлигини айтди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо алоқалари комитетининг раиси У. Т. Султонов, республика ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М. М. Орифжонов қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА БАЛИҚ САНОАТИ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил халол меҳнат қилганлиги ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этганлиги учун қуйидаги ўртоқлар **Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи** билан мукофотлансин:

Бакиров Мурод — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг ҳайдовчиси

Бочков Пётр Иванович — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош технологи

Зокирёев Малик — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг ҳайдовчиси

Каипова Турдигул — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

Қодиров Жаббор Аҳмедович — Фарғона вилоятидаги Фрунзе балиқчилик хўжалигининг тракторчиси

Криклей Владимир Степанович — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг моторчиси

Қузембоев Бисен — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

Пелагеин Анатолий Сергеевич — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

Сафаров Ҳасан Соқиевич — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

Сафиулин Марат Мунирович — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг участка бошлиғи

Тагиров Ҳамза Рустамович — Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон балиғи» концерни Дамачи балиқчилик комбинатининг ҳайдовчиси

Тошев Номоз Раҳматович — Бухоро вилоятидаги Навоий район балиқ саноати хўжалигининг балиқчиси

Хўжақулова Лилия Владимировна — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмаси лабораториясининг бошлиғи

ҚУЙИДАГИ ЎРТОҚЛАРГА «ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Алмухонова Марнаш — Қорақалпоғистон республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

Сулаймонова Карима — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 9 ноябрь.

Сиёсий суҳбатлар

ЎЗ ҚОМУСИМИЗ — МИЛЛИЙ НОМУСИМИЗ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ фуқаролари жамият ҳаёти ва фаолиятининг асосий қонуни бўлган янги Конституцияни кутмоқдалар. Унда олий даражадаги қонунчилик билан мустаҳкамланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлар, шунингдек шахснинг жамиятни демократиялаш даврида эришган эркинлигининг зарур давлат кафолати ўз аксини топган бўлмоғи керак. Жумҳурият мустақил давлат дея эълон қилингани муносабати билан янги Конституцияга қизиқиш янада кучайди.

Бу муҳим ҳужжатни тайёрлаш жараёни қандай кечмоқда? Ўзбекистон Жумҳурияти Конституциясини ишлаб чиқишда қандай қараш ва нуқтаи назарлар асос қилиб олинади? Бугунгача нималар қилинган? Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди.

ЖУМҲУРИЯТ Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда тузган Конституциявий комиссия аъзолари (унинг раиси И. А. Каримов раҳбарлигида) Конституция лойиҳаси устида фаол ишламоқдалар. Комиссиянинг ишчи группалари айрим ишларни тугалладилар ёки тугатмоқдалар. Конституция охирги узил-кесил лойиҳаси Комиссия кўриги ва тасдиғидан ўтгач, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинади, сўнгра Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Конституция лойиҳаси илмий жамоатчиликнинг йирик мутахассислари берган фикрлар асосида халқ депутатлари, давлат хокимияти идоралари ва жумҳурият бошқармалари раҳбарлари иштирокида яратилмоқда.

Жумҳурият Конституциясини яратиш, муҳокама этиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ бутун жараён бизнинг жамиятимизда қонунчилик фаолиятининг ошкоралиги ва демократия қонун-қоидаларининг мавжудлигини далиллайди.

Туб ўзгаришлар қилиш ва шу асосда жамиятни демократиялаш негизида моддий ва ахлоқий жабҳаларда юксак натижаларга эришиш мақсадида бошланган қайта қуриш турли, баъзи ҳолларда зиддиятли ва оқибатини билиб бўлмайдиган вазиятларга олиб келди. У бир томондан иқтисодий тузимни янгилаш, мулкнинг турли шакллари мавжуд бўлиши ва маъмурий буйруқбозлик усулидан бошқарувнинг демократик шаклларига ўтиш учун сиёсий ва ташкилий ҳуқуқий шарт-шароит яратди, иккинчи томондан эса ўзгарган ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасида, иқтисодий негиз ҳамда ғоявий, сиёсий ва ҳуқуқий устқурмадаги социалистик ва носоциалистик майллар ўртасида юзага келган ва авторитар буйруқбозлик тузими томонидан йўл бермай келинган зиддиятларнинг ижтимоий ҳаёт саҳнига қалқиб чиқишига туртки бўлди.

Афсуски, қайта қуриш дастурини белгилаб берган вазифа ва шарт-шароитлар бир қатор асосли ва асоссиз сабабларга кўра охиригача амалга оширилмади, зиддиятлар эса кучайиб, бартараф этиб бўлмайдиган тус олди. Ҳолбуки, «ишлаб чиқаришнинг социалистик усули ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасида зиддият туғдирмайди» деган «назария»га асосан бундай зиддият аслида умуман бўлмаслиги лозим эди.

Бироқ негиз ва устқурма тизмаларидаги жамият ривожига хос бўлган зиддиятлар маълум, ҳамма вақт ҳам бир-бирига ўхшайвермайдиган, аммо шу билан бирга ёки ижобий ёки салбий акс таъсирларга сабаб бўлди. Бу таъсирлар ўз аҳамият меъёрига қараб якка, жамоа, умумий ва давлат даражасида бўлди. Улар очиқ-ойдин пайдо бўлиб, бошқа зиддиятларни келтириб чиқарди. Давлат, яъни энг олий даражадаги таъсир тегишли давлат-ҳуқуқий воситаларни қўллаш заруратини туғдирди. Бундай таъсир шу йил август воқеалари, фитнани бостириш, демократиянинг ғалаба қилиши кунларида, айниқса, яққол сезилди. Марказда ва жойларда КПСС аппарати фаолиятининг турли йўллар билан тўхталиши, партия мулкини мусодара этилиши ёки даъво қилиниши, юқори бўғинда кадрларнинг ўрнини алмаштириш унинг якуни бўлди. Ягона кўпмиллатли давлат — СССР таркибида туб ўзгаришлар юз берди. СССР Олий Кенгаши қайта тузилгандан сўнг иттифоқдош жумҳуриятларнинг мустақиллик йўлидаги фаол ҳаракатлари бошланди. Бундай ҳаракатлар бизнинг жумҳуриятимиз халқлари ватанпарварлик туйғуларини юксак инсоний хоҳиш-иродаларини четлаб ўтолмади, албатта.

Ўзбекистон жумҳурияти 1990 йил 20 июлда эълон қилинган мустақиллик тўғрисидаги Декларациясидан сўнг 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Жумҳуриятининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонун қабул қилди. Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Ўзбекистон Жумҳурияти номини олди. 1991 йил 1 сентябрь жумҳуриятнинг мустақиллик куни ва умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Бундан буён мустақил давлат сифатида Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилайди, мавжуд иқтисодий имкониятлардан бу ерда яшаётган одамлар манфаатлари йўлида мустақил фойдаланади, мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боради.

Мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил халқ хоҳиш-иродасини акс эттирадиган ўзининг мустақил Конституциясига эга бўлмоғи керак. Бу Конституция ўзидан бошқа ҳеч қандай Конституция ва қонунларнинг, у кимники бўлиши ва ким яратганлигидан қатъий назар, устунлигини тан олмайди: жумҳурият ҳудудидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ягона асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Конституция асосий ва энг олий қонун сифатида Ўзбекистон Жумҳурияти мустақиллиги ва суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва амалда таъминлашнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилишга даъват этилган. Жумҳурият ижтимоий қурилиши ва унинг иқтисодий тизими асосий тартиб-қоидалари, фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, тизими ва ички, ташқи давлат йўсинидаги масалаларга оид барча вазифалари Ўзбекистон Жумҳурияти Конституциясида унинг манфаатларини мустақил суверен давлат сифатида таъминлаш нуқтаи назаридан акс этмоғи лозим.

Ўзбекистон Жумҳурияти қонунларининг устунлиги 1990 йил 20 июндаги жумҳуриятнинг мустақиллиги тўғрисидаги Деклорациядаёқ эълон қилинганди. Бинобарин, жумҳурият ҳудудида Ўзбекистон Жумҳурияти қонунлари амал қилмоқда ва фақат улар қўлланилиши керак. Конституциянинг Асосий қонун сифатидаги роли ҳисобга олинган ҳолда бошқа ҳамма қонуний ҳужжатлар унинг нормаларига мос бўлиб тушмайдиган қарамақарши қоидаларга эга бўлмаслиги керак. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари жумҳурият ҳудудида фаолият кўрсатаётганларида Ўзбекистон Жумҳурияти қонуний ҳужжатлари тартиб-қоидаларига таянмоқлари керак.

Жумҳуриятнинг мустақиллиги мустақил қонун чиқаришни ҳам талаб этади. Иттифоқ ва иттифоқ-жумҳурият қонунлари энди йўқ, фақат жумҳурият қонунлари амал қилади. Энди иттифоқ қонунлари тартиб қоидаларини тўлалигича жумҳуриятларникига айлантириш тўхтатилади, чунки бу вазиятдан ҳеч қандай қийинчиликсиз, осонгина чиқиш имконини беради. Салбий оқибатларини ўйламай қилинган бундай ёндошув биринчидан, қонунларни, ҳаёт тарзини, одатларни умумлаштиришга олиб келди. Иккинчидан, маҳаллий қонунчилик ташаббусини чеклади, жумҳуриятда ўз қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга тўсқинлик қилди.

Биз ўз кучимизни, ижодий имкониятларимизни сафарбар этиб ва анъаналаримизни, турмуш тарзимизни, одамлар ҳаётининг амалдаги шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жумҳуриятимиз қонунларини ишлаб чиқишимиз керак бўладиган вақт келди.

Қонун лойиҳаларини яратиш чоғида бизнинг озод дунёда яшаётганимиз ҳисобга олинмоғи керак. Тараққий этган ва биринчи галда бизга қўшни давлатлар қонунларида мустаҳкамланган илғор тажриба ва асосий умуминсоний ҳамда ахлоқ қонун-қоидаларига барча ривожланган жамиятлар халқларининг мулки сифатида қарамоқ зарур ва шунинг учун ҳам улардан қонун лойиҳасини тузишда ўзбек халқининг манфаати йўлида малакали фойдаланиши лозим.

Лойиҳасини ишлаб чиқиш ва янги Конституцияни қабул қилиш қонун чиқариш ишларининг асосий ва муҳим босқичи ҳисобланади. Конституция — Асосий қонундан сўнг бизнинг ижтимоий ҳаётимизга таллуқли турли масалаларга оид иккита қонун лойиҳасини ишлаб чиқаришга кириш ва қабул қилиш керак бўлади. Бу — давлат, маъмурий, ер-сув, хўжалик, фуқаролик, молиявий, меҳнат, уй-жой, оила-никоҳ, жиноятчилик ва бошқа кўпгина моддий ҳуқуқларга оид қонунлар. Яна суд ишларини юритишга оид қатор қонунлар бор. И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ҳамда Тошкент Давлат Адлия олий илмгоҳлари, Тошкент Олий милиция мактаби, шунингдек жумҳуриятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аввалгидек юқоридан буйруқ кутиб ўтирмай, йиғилишиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонунчиликнинг ҳар бир тармоқлари бўйича мавзу комиссиялари ва ишчи гуруҳлари таклиф масалаларини муҳокама қилишлари, бу ишни ниҳоясига етказиш муддатини белгилашлари ва жумҳурият Олий Кенгашига зарур маълумотларни тақдим этишлари керак. Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг давлат-ҳуқуқ масалалари бўйича Муаммоли илмий кенгаши ҳам бундай масъулиятли ишни уюштиришда ташаббус ва фаоллик кўрсатиш керак, албатта.

Жумҳурият мустақиллигини тан олиш муносабати билан қонун чиқариш ишлари кўламини кенгайтириш Олий Кенгаш қошида қонун лойиҳаларини тайёрлаш марказини тузиш масаласини кун тартибига қўяди. Бундай марказнинг мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида турли даражаларда ва турли шаклларда илгари ҳам гапирилганди. Бироқ у жамиятимизнинг сиёсий ва иқтисодий тузилиши тубдан ўзгарган, амалдаги ҳамма қонунларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек мутлақо ўзгача илмий нуқтаи назардан янгиларини яратиш талаб этилаётган айнан шу кунларда алоҳида аҳамият касб этди.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларнинг кафолоти хусусида гап борадиган ҳамма қонунларимизда давлат хоҳиш-иродасининг изҳорида маъмурий-буйруқбозлик услублари кўринишлари мавжуд. Бу кўринишлар биз қураётган янги ижтимоий тузум моҳиятига мос келмайди энди. Хатто бу янги тузумни қандай аташимизнинг ҳам аҳамияти йўқ. Шу нарса аёнки, тузумимиз назарий жиҳатдан мавжуд бўлса ҳам, аввал бошданоқ социалистик эмасди. Шунингдек, у капиталистик ҳам бўлмаган. Ўйлаймизки, янгича иқтисодий муносабатларга ва бошқарувнинг демократик усулларига ўтишда вужудга келган янгича шароитларда ижтимоий тузум хусусияти ва моҳиятини аввалдан белгилаб берилган мафкура асосида яратишнинг ҳожати йўқ. Энг муҳими — жамият ва ҳар бир шахснинг манфаатларини тўғри англаш, Конституция ва жумҳуриятнинг бошқа қонунларида уларни малакали ва саводли акс эттириш.

Х. РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Жумҳурияти Президентининг маслаҳатчиси, юридик фанлар доктори.

ЙЎЛОВЧИГА СОЗ БЎЛДИ

ЯҚИНДА Тошкент шаҳтрамвай парклари жамоаси ташаббус билан чиқди. Бу янгиликни трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси маъмурияти ҳам қўллаб-қувватлади.

Тўғри, дунёга жар солиб мақтанадиган ихтиро яратилгани йўқ. Аммо озгина бўлса-да, аҳолига қулайлик яратилди. Олдин трамвай-троллейбус бекатларидаги дўконлардан навбатга туриб чек сотиб олардик. Агар дўкон берк бўлса, хунобимиз ошиб, кайфият бузиларди. Энди ҳайдовчиларнинг ўзидан чек сотиб олиш йўлга қўйилди. Бундан ҳайдовчи ҳам, маъмурият ҳам манфаатдор. Ҳамма чекларини сотган ҳайдовчилар даромаднинг ўн фоизини ўзларига олиб қоладилар. Шу боисдан ишлаб чиқариш бошқармасининг ойлик ва квартал планлари муддатидан олдин бажарилмоқда.

Т. ИСМОИЛОВ.

МИННАТДОРМИЗ, ЛЕКИН...

БИЗ ФАРҒОНА вилояти Охунбобоев районининг Ленин номли жамоа хўжалигида истиқомат қиламиз. Кўпгина оилаларга республика Президенти фармонига биноан ер ажратилганди. Уйларни тиклаб, кўчиб чиқ-канимизга ҳам анча бўлди. Бу учун миннатдормиз, лекин...

Яхшиликка ёмонлик, деб ўйламанглар. Жондан ўтгандан кейин ёзишга мажбур бўларкан одам. Биз томонда табиий газ йўқ. Баллонли газни эса топган топади. Кўпчилик овқатини ўчоқда пиширади. Бу ҳам етмагандек кўчалар ёзда чанг, қишда лой. Болаларимиз яслига, мактабга боришга қийналишаяпти. Мутасадди ташкилотларга ҳеч бўлмаса кўчаларимизга шағал тўкишларини эслатиб қўйсангизлар!

А. ҒАФУРОВ.
(жами 7 та имзо).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАРОРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойини тайёрлаш учун жойларда тузилган муваққат ташкилий комитетларига, низомда кўзда тутилганидек, бир ой муддат ичида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия ташкилотларининг сайланадиган органларини тузиш вазифасини топширади.

Ўзбекистон ХДП марказий кенгашининг сиёсий ижроия комитети, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия кенгашларининг ижроия бюролари сайланадиган органларнинг ишчи аппарати тузилмаси ва вазифаларни кўриб чиқишлари ҳамда 1991 йилнинг 1 декабрига қадар уни тузишни асосан ниҳоясига етказишлари зарур.

Сиёсий ижроия комитет икки ой муддат ичида ягона партия билетини жорий этиш масаласини ҳал қилиши, низомнинг айрим қоидаларини қўллаш тартибини белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни марказий кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойида молиявий ва мулкий масалаларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси унинг ҳуқуқий вориси деб эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, қурултой марказий кенгашга мазкур масалаларни тегишли комиссияларни тузиб, амалга оширишни топширади.

Сайланадиган органлар ва бошланғич партия ташкилотлари аъзолик бадалларини тўплашда тегишли тартибни таъминлашлари, партиянинг молиявий аҳволини ҳар томонлама мустаҳкамлашга эришишлари лозим.

Қурултой марказий кенгашнинг сиёсий ижроия комитети, Қорқалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия кенгашларининг ижроия бюролари давлат ҳокимияти ва жамоат ўзини ўзи бошқариш органларида партиянинг сиёсий йўлини рўёбга чиқариш, унинг дастуридан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ХДП га аъзо бўлган депутатлар орасидан барча даражалардаги халқ депутатлари кенгашларида зудлик билан партия гуруҳлари, фракцияларини тузишга киришишлари зарур деб ҳисоблайди.

Қурултой Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия ташкилотларига таъсис қурултойининг қарорлари, унда қабул қилинган дастур ва низом асосида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига янги аъзоларни жалб этиш борасидаги ишларни давом эттириш, бу муҳим ишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, вазминлик ва талабчанлик билан ёндошиш, партиянинг обрў-эътибори ва омма ўртасидаги таъсири тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш керак деб ҳисоблайди. Республика Халқ демократик партиясининг бунёдкорлик мақсадлари ва вазифаларини тарғиб этиш, Ўзбекистон ХДП ҳақида жамоатчиликнинг тўғри, ҳолисона фикрини вужудга келтириш унинг сайлаб қўйиладиган барча органлари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қурултой барча илғор ва демократик фикрловчи кишилар, Ўзбекистон республикасининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалловчи равнақ топган мустақил давлат сифатида қарор топишига ҳисса қўшишга интилаётган ватанпарварлар учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси очиқ деб эълон қилади.

Қурултой маслакдошларни, Ўзбекистон республикасининг барча фуқароларини инсонпарварлик, демократия, меҳнат аҳлининг фаровонлигини ошириш ҳамда сиёсий ва иқтисодий эркинлик, тенг ҳуқуқлилик ва ижтимоий адолат жамиятини барпо этиш йўлида миллатлараро тотувликни жорий этиш қоидаларини қарор топтириш мақсадида бирлашишга ва фаоллик кўрсатишга даъват этади.

ҲОРМАНГ, БОР БЎЛИНГ, ҚИЗЛАР!

Оқила аёлларда қувлик бўлади. Улар ҳамиша яхши-ёмон кун учун бир кафт донми, шапалоқдек мато, ёки бир ҳовуч бисот асраб қўядилар. Хуллас, ҳазрат Алишер Навоий ғоҳо зиён етказадиган ростдан кўра, элга наф келтирадиган ёлғон афзал, деганларидек, ҳамиша ўчоқдаги кул тагида кўр асрашади.

Ҳа, оналаримиз бугунги куиларимиз учун асраб қўйган бебаҳо бойлик — ўлмас анъаналар энди кўзга ташланаяпти.

«У ёқдагилар» ўзбек оналарини кўп болалиликда айблаб ҳақоратлашса-да, туғилиш режаларга солишнинг вахшийларча чораларини кўрса-да, яхшимки, уйларимиз лочин ўғиллару попукдек қизлар билан тўлди. Оналар бу фарзандларини ими-жимида қўли гул ҳунармандлар қилиб ҳам тарбиялаган экан. Мана, энди «улар»мас, «булар»мас, айнан ўша ўз йигит-қизларимиз белимизга қувват, элимизга қудрат бағишламоқда. Бугун Сизга уйимизни ёритаётган чироқларимиздан тўрт нафарининг суратини тақдим этмоқдамиз. Уларнинг пориллаган юзларидан, одмигина дил сўзларидан кўнглингиз равшан тортса, ажаб эмас.

— Тўйларингизга атаб гиламлар тўқияпмиз, — дейди Иштихон районидаги «8 Март» жамоа хўжалигидаги «Суғот» гиламчилик цехнинг қўли гул тўқувчиси Феруза Хушнийёзова. — Болалигимдан қўлим бўшади дегунча, момолар ёнида гилам тўқиб кўзим пишиб қолган эканми, ўрмак устида бармоқларим қушдек учиб юради.

* * *

— Ер-сувимиз заҳарланган деб кўп ғам чекманглар, — дейди Жарқўрғондаги «Социализм» жамоа хўжалигининг сут соғувчиси Гулзор Жабборова. — Сут кимларга шифо бўлмаган дейсиз. Нонуштангизга қаймоқ юбориш иштиёқида ярим тунларда иш бошлаяпман.

* * *

— Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин, деганлар. Тиббий дори-дармонлар беморлар дардини аритаяптими ёки ҳамкасбларимнинг ширин сўзларими, билмадим. Шахсан мен, ҳарқалай, кўпроқ хушмуомала ва ардоқ билан даволаяпман, — дейди «Сурхон» давлат хўжалиги марказидаги шифохонанинг навбатчи ҳамшираси Муҳаббат Суюнова.

* * *

— Бугунги кунда иш ўнглиг, қўли қўрлик одамларгина янги кийим тиктиришаяпти, — дейди Пайариқ районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигидаги бичиш-тикиш цехининг чевари Дилрабо Тиркашева. — Бизга келаётган буюртмалар сони ортиб бораётганидан кўнглим яйрайди.

Ғ. АЛИЕВ, Ё. ХУЖАМБЕРДИЕВ ва К. ТУРСУНОВ олган суратлар.

Мулоқот

ТИБ ТАЪМИРГА ЗОР

Замонавий тиббий ходимларнинг билим ва малака даражаси пастлиги боис кўплаб касаллар ўз дардларига даво излаб кўз кўриб қулоқ эшитмаган жойларгача боришга ҳам розидирлар. Бундан фойдаланмоқчи бўлган айрим «халқ табиблари» зудлик билан тадбирларни амалга оширмоқда: оқибатда баъзан шифо топиш ўрнига, аксинча дарди ортиб, касали оғирлашиб қолганлар кўпаймоқда.

Иккинчи томондан атроф-муҳитнинг ифлосланиши, озиқ-овқатлар борган сари сифатсизланиб бориши касалликларнинг янги-янги турларини кўпайтирмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон рефлексотерапия ва халқ табиблари ассоциациясининг ташкил этилиши ҳозирги кун талабидир. Бу ташкилот 1990 йилнинг ўрталарида ўз ишини бошлаган эди. Яқиндагина жамоа ўз дастурига биноан Сурия Арабистонидаги ва Хитой халқ республикасининг Харбин шаҳридаги касбдошлари билан учрашиб, рефлексотерапия соҳасидаги касалларни даволашнинг баъзи усуллари, халқ табобатида қўлланилаётган дори-дармонлар тўғрисида фикр алмашдилар. Энди яқин кунларда ўзбекистонлик мутахассислар ҳам дўстлар ҳузурига ташриф буюрадилар.

Ҳозир Шарқ мамлакатлари: Хитой, Корея, Япония, Мўғулистон миллий табобатига қизиқиш жуда катта. Сабаби — у халқларда миллий табобат усуллари жуда бой ва рангбаранг. Ўзимизнинг, яъни Ўрта Осиё халқларининг ҳам миллий табобати жуда бой, азалдан кўпчилик халқлар томонидан тан олиниб, кенг фойдаланиб келинаётганлиги афсуски диққат-эътиборимиздан тушиб қолди. Биргина Ибн Синодан қолган тиббий рисолалар, қонун-қоидаларнинг ўзи тиб илмида қанчалик салмоқли ўрин эгаллашини айтиш етарлидир. Ибн Сино эса ўзидан олдин ўтган Ал-Фаробийга ўхшаган ҳакимлар, халқ табибларининг тажрибаларидан фойдаланган.

Уйғурлар эрамиздан 200-250 йил олдин ўз давлатига эга бўлиб, маданияти тараққий этган, табобатда ҳам анчагина бой тажриба орттирганлар. Асримизнинг бошларида чет эллардан келган бир қанча археологик Экспедициялар турли қазиш-қидиришлар пайтида VI асрда ёзилган уйғур қўлёзмаларини топиб, ўзлари билан олиб кетишган. Уларнинг бир қисми Токиода, Пекинда, бошқалари Лондонда, Ленинград ва Берлин шаҳар музей кутубхоналарида сақланмоқда. Улар халқ ичида «Турфан текстлари» деб аталиб, унинг Берлин университетида сақланаётган табобатга оид қисмида 198 тиббий муолажа усуллари, дориворлар ҳақида ёзилган.

Жаҳон тиббиёт жамиятининг аъзоси, тиббий фанлар доктори профессор Суҳаил Анвар (Туркия) «Турфан текистликлари» қўлёзмаси асосида ёзган ўзининг «Уйғур тиббиёти» деган китобида «Маданият соҳасида мўғулларга устод бўлган уйғурлар мукаммал тиббиётга эга бўлиб, атроф қўшни мамлакатларнинг бу борадаги илмига катта таъсир кўрсатган» — деб таъкидлайди.

1981 йили март ойида Шинжанг Уйғур автономия районида олиб борилган археалог қидирув — тадқиқот ишлари натижасида жуда яхши сақланган 40 ёшлардаги аёл кишининг жасади топилган. Япония олимлари замонавий текшириш асбоблари ёрдамида бу жасаднинг 6424 йиллик тарихга эга эканлиги ва у даврдаги мўмиёлаш усули мукаммаллиги туфайли то шу кунгача жуда яхши сақланганлигини эътироф қилишди. Бу эса Уйғур миллий табобати камида 7000 йиллик тарихга эга эканлигидан далолат беради. Бу билан бир нарсани қайд қилмоқчимизки, ҳозирги Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон заминида яшаб келган халқлар ўзларининг мустақил ва мукаммал тиб илмига эга бўлганлар. Узоқ вақт давом этган босқинчилик урушлари туфайли маданий бойликларимиз хонавайрон бўлган. Шу жумладан, миллий тиббиётимиз ҳам нобуд бўлган.

Уйғур, ўзбек халқларининг маданияти, адабиёти, санъати бир бутун экайлигини назарга олган ҳолда, шу буюк маданиятимизни тиклашимиз керак. Бу долзарб вазифа. Уйғур Автоном райони — Шарқий Туркистон билан бўлган маданий алоқаларимизни кенг ривожлантириш, айниқса, миллий тиббиёт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Бу борада ўзаро ўрганиш ва қўлланишимиз мумкин бўлган тажрибалар кўп. Масалан; оқ касаллиги — баросни Қашқарда, Хўтанда, Турфанда 20-30 йилдан буён даволаётган бўлсалар-да, то шу кунгача Ўзбекистонда бу касалга шифо топилгани йўқ. Бундай мисол кўп топилади.

Қаддимизни ростлаб, мустақиллигимизни тиклаётган шу кунлардаги дастлабки қадам халқлар соғлигини тиклаш ва сақлаш йўлида бўлмоғи шарт.

С. БУСАКОВ.
Рефлексотерапия халқ табобати ассоциацияси президенти.

А. БАРАЕВ.
Ўзбекистон Уйғур маданияти жамияти қайъатининг аъзоси.

ОЛИЙ ҲАҚИҚАТ

ШОИР ВА АДИБ, СИЁСАТ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Шароф РАШИДОВ

ҲАҚИДА СЎЗ

Нарзулла ШОДИЕВ,
ПРОФЕССОР.

Маълумки, Шароф Рашидов кейинги асарларини бирваракайига ўзбек ва рус тилларида Москвада, Тошкентда чоп эттирарди. Ортиқча гап-сўзлардан, «мансабини суиистеъмол қилаяпти» деган маломатлардан онгли равишда қочиб шундай қиларди. Ҳатто бутун ижодий ҳаётининг якуни ҳисобланмиш 5 жилдлик «Танланган асарлар»ини ҳам КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг махсус қарори билан «Художественная литература» нашриётида рус тилида чиқарган, кейин эса улар Тошкентда чоп этилган эди. Тақризлар ҳам асосан аввал марказий ойномалару рўзномаларда чиқар, китобларига сўзбошию сўнгсўзни москвалик таниқли адиблар, олимлар ёзишарди. Назаримда, худди ана шу далилларни ғаламислар ўзларига «объект» қилиб олишган, асарларини Рашидовнинг ўзи эмас, бировлар ёзиб берган, деган туҳматлар қилишган. «Башоратчи»лар орасида А. Қодирию У. Носирни, Чўлпону Фитратни, кейинчалик эса М. Шайхзодаю Шукруллони бадном этган, лекин негадир номлари ҳануз очиқ айтилмаётган — барибир сир очилади-ку!— адабий «арбоб»лар бор эди. Бири — қаҳрамон бўлди, бошқаси мансаб қурашлари узра ўз одамларини замбуруғдай экиб ташлади ва улар орасида давру даврон сурди, ҳатто ишлик ҳам бўлиб, «оқсоқол»га «маслаҳатгўй»га айланди. Абдулла Қаҳҳорни ялов қилишиб, унинг тиғи билан Рашидовни уриш учун «оммавий» сафарбарликка тушишди. «Қаҳҳор — даҳо ёзуви, фақат Рашидов туфайлигина даҳо бўлолмайди», йўсинида «муқаддас» уруш бошлашди. Гўё шу билан Қаҳҳорнинг обрўсини ошириб, «даҳо»лигини тикламоқчи бўлишди. Ҳолбуки, Қаҳҳор бунга мутлақо муҳтож эмасди. Қаҳҳор ижодини яхши билмаганлар, билсалар-да, гнесеологик илдизларидан бехабар китобхонлар оммаси, албатта, бунга чиппа-чин ишонишди. Лекин мени — Қаҳҳор ва Рашидов поэтикаларидан номзодлигу докторлик диссертациялари ёзган мутахассис, икки адиб ижодининг эстетик ҳофизасию бадияти, қадриятларини яхши билган адабиётшуносни, иккаласи учун ҳам «дор»га тортилган муаллифни улар қандай «кашфиёт»лар билан ишонтиришди? Интригадан, тубан интригадан ва шу йўл билан ўз худбинликларидан бошқа ҳеч нарсага ишонтира олишмади. Ишонтира олмайдилар ҳам. Менинг назаримда, бу билан Қаҳҳорнинг обрўсига путур етказишди, хотирасини ҳақоратлашди улар. Рашидов-Қаҳҳор инсоний муносабатларини (бунинг ҳам жиддий сабаблари бор) ижодий муносабатларига кўчириш ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Вақти келиб, мен бу икки улуғ шахс ҳақида, улар муносабатлари хусусида махсус илмий асарми, эссеми ёзаман. Албатта, ёзаман. Менинг ўз Қаҳҳорим, ўз Рашидовим бор. Ва бунга маънавий ҳақлиман. Улар иккови менга бирдек азиз, муқаддас.

Мен, Рашидов серқўлам ижодининг барча қирраларини илмий таҳлилдан ўтказган, унинг услубини, бутун поэтикаси хусусиятларини мукаммал ўрганган адабиётшунос-профессор, комил ишончу қатъият билан: «Сиз сурбет туҳматчиларсиз. Рашидов барча асарларини (публицистикадан ташқари) ўзи ёзган!» — дея жар солгим келади. Лекин жар солишга ҳожат йўқ. Рашидов ёзувчи ўзини ўзи ҳимоя қилишдек қудратга эга. У кўп миллатли совет адабиётида ҳам, ўзбек сўз санъатида ҳам ўз даври сўз устаси сифатида қолади. Қолди ҳам...

Бу комил ишонч менда ўшандаёқ ҳосил бўлганди. Ёзувчи ижодининг индивидуал ўзига хосликлари бўлмиш юқорида махсус қайд этган таъкидларим ва яна бўлак услубий жилолар билан қўшилиб, йирик илмий тадқиқотнинг яхлит концепциясини ташкил этган эди. Концепция «махсус кўрик»дан ўтказилиб, маъқулангач, мен иш бошладим...

Навбатдаги ташрифларимдан бирида Шароф Рашидовични ўта асабий ҳолатда учратдим. Ўтирмасимданоқ, гўё мен бир катта мансабордек, жаҳл билан гапира кетди: «Биласанми, Сибирга олма, карам жўнатиш билан ҳам мен шуғулланишим керак, Украина, Қозоғистон шартномадаги гўштни бермаса ҳам мен шуғулланишим керак. Ахир, қани бу соҳаларнинг ўз кишилари... Билиб қўй. Ҳали менинг ҳақимда ҳалол-ҳаром гаплар бўлиши мумкин. Сендек бир фидокор «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумида китоб ҳам ёзар, ёшсан, шунинг учун сенга айтаяпман, бу ерда 28 соат ишласанг ҳам иш тугамайди, — деди чап қўли ўрта бармоғини стол ўртасига асабий уриб. — Энг ёмони, сендан ҳеч ким миннатдор бўлмайди. Қоладигани ижод, китоблар, илм. Нарзулла, ука, буни, унутма. Шунинг учун тўғри қилибсан розилик бермай (гап менинг Ўзкомпартия Марказий Комитети маҳкамасига ишга олинишим хусусида борарди. Лавозим ҳам анча юқори — бўлим мудири муовинлиги эди. Котиблардан бирига рад жавобини берганимда у мени роса тузлаган, ношукурдан олиб, ноз-фироқчига солган, одамлар мазкур лавозим учун ҳамма нарсага тайёр эканликларини айтиб, менга розилик учун икки кун муҳлат берганди. Муҳлат муддати — шу кун эди!) Майли, Москвага, академияга бор. Ёшсан ҳали. Биринчидан, тез ёзасан (диссертациямни назарда тутаяпти — Н. Ш.), иккинчидан, тез тугатасан, учинчидан, тез дипломни оласан, тўртинчисини бизга қўйиб беравер», — деб ўрнидан турди-ю икки билагимдан тутиб, кўзларимга узоқ тикилиб қолди. Сўнг шитоб билан ортга қадам босди, дераза томон йўналди. «Дачангни ҳам топшир. ЦКнинг справкасига киритишибди уни. Дачаларнинг кўпини кўрасан ҳали».

Мен тош қотиб турардим. У кишининг менинг ҳақимдаги барча ахбороту маълумотларни бирпиши ҳайратга солган эди. Ташрифимдан кўзланган мақсадга эришган эдим. Шу пайт у киши мен томон ўгирилиб: «Сен ҳам бир нарса сўра. Олдимга кирадиганлар ҳаммаси, албатта, бир нарса ундириш илинжида бўлишади. Сўрагин, тортинмагин», — дея стулга яқинлашди. «Раҳмат, домла (ёлғиз иккаламиз қолганда мен «домла» деб мурожаат қилардим ва бу у кишига — Рашидовга ёқарди). Саломат бўлсангиз бас. Менинг илтимосим бажариб бўлинди. ЦКда ишлашга ҳали улгурарман. Академияга кетаверай...» деган сўзим оғзимда қолди — узун стол четидаги катта оқ «ВЧ» трубкаси кўтарилди.

К. У. Черненко билан суҳбат узоқ давом этмади. Менинг тақдирим ҳал бўлган эди.

Докторлик диссертациям мавзуси ва концепцияси мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган бўлса-да, унинг план-проспектини Ижтимоий фанлар академияси низомига кўра тегишли дахлдор кафедра илмий кенгаши ҳам муҳокама қилиб, қайтадан тасдиқлаши лозим ва шундан кейингина кафедранинг розилигию ижобий баҳоси билан докторантурага қабул қилишарди. Олий аттестация комиссиясининг қарорига кўра адабиётшуносликдан ёзилажак докторлик диссертацияларининг мавзуи ҳам, концепцияси ҳам ёлғиз бир сўз устаси у кимлигидан, истеъдод даражасидан қатъий назар, ижоди билан боғлиқ бўлмаслигини яхши билардим. Шунинг учун «Шароф Рашидов поэтикаси» деб аталган дастлабки мавзуни «Йирик эпик шакллар поэтикаси» деб ўзгартиришга тўғри келди. Аслида моҳият ўзгармаганди. Шароф Рашидов романлари, қиссалари кўп миллатли совет носирчилиги контекстида таҳлилий-қиёсий ўрганилганича деярли ўзгармасдан қолган эди. Фақат яна бир қисм — поэтиканинг бадиий макон ва бадиий вақт муаммоси қўшимча сифатида киритилганди. Боз устига диссертациянинг асосий мазмуни ифодаси — навбатдаги монография ҳам тайёр бўлганди. Ана шу икки сабаб мени яна қабул сўраб Марказий Комитетга расман мурожаат қилишга мажбур этган эди.

Илтимосим қониқтирилди: эртага соат 11.00 да 6-қаватда бўлишим айтилди. Афсуски, қабул кечқурун 19.30 да бўлди. Андижонлик кекса шоир Восит Саъдулла билан 6-қават фойесида кута-кута кунни кеч қилдик. Шароф Рашидович куни бўйи Мелкумов — Ўзбекистон ССР ДҲК раиси билан банд бўлди. Тамадди ҳам қилишмади, чамаси...

Бизга яна бир киши — жумҳурият Қишлоқ хўжалик техникаси давлат комитети раиси М. Эгамбердиев ҳам қўшилди.

Шароф Рашидович ҳорғин асабий ва асабий ҳорғин эди. Чарчоқ бутун вужудидан селдай ёғилиб турарди. Ранглари оқарган, асабий, қисиқ лаблари қонсиз, қўллари қалтирарди. Сесканиб кетдим. Ташрифим бемаврудлигидан ҳам уялиб, ҳам... қўрқдим. М. Эгамбердиевга дарҳол жавоб берилди. Кекса шоир эса эзмаланишни бошлади. Асабий вазият янада кескинлашди. Шу пайт чол ўзига келдими ёки у кишининг нохушлигини сездими, гапни бирдан бошқа ёққа бурди: ёзувчи Шуҳратнинг оғир бетоблигини, 3-стационарда ётганини айтди. «Бориб кўрдингизми? Қай аҳволда, Шуҳрат?» — дея шошилинч саволлар билан Восит Саъдулла томон сурилди. Ва шу заҳотиёқ трубкани кўтариб: «Азиз Оппоқович (Марказий Комитетнинг ўша пайтдаги маданият бўлими мудири А. О. Тўраев), Шуҳрат касал экан, хабарингиз борми? Пирматни (Пирмат Шермуҳамедов маданият бўлими инструктори эди) ҳозироқ 3-касалхонага жўнатинг. Бориб кўрсин. Врачларга менинг номимдан керакли топшириқларни берсин. Ҳаммасини ўз назоратингизга олинг ва мени ҳар куни хабардор қилиб туринг», — дея топшириқ берди. Танг вазият анча юмшаган эди...

Кекса шоир ниятига етиб, миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди. Унинг ортидан ёрдамчиларим ҳам рухсат этдилар. Одатдагидек, иккаламиз қолдик.

Қўллар ҳамон қалтирарди.

Қисқача ахборот бериб, дарҳол чиқиб кетмоқчи бўлдим. Йўқ, бўлмади. У киши — Рашидов янги концепция план-проспектини (10 бет) эринмай, диққат билан ўқиб чиқди. Кўп саволлар берди. Жавоблардан қониқиш ҳосил қилди шакилли, «молодец» деб қўйди ва «хўш, яна хизмат борми?» қабилида менга боқди:

— Домла, «Ўзбекистон» нашриёти диссертациям қўлёзмаси билан қизиқиб қолди...

— Қани қўлёзма?

Шу заҳоти очиқ папкани олдиларига қўйдим. Номига эътибор бериб, аннотацияни тўлиқ ўқиди. Муқаддимаю хотимани варақлаб, йўл-йўлакай у ёҳуд бу жойларини синчиклаб ўрганди. Сўнг ўнг кафтини қўлёзма устига қўйиб: «Наимжонга айт («Ўзбекистон» нашриётининг ўша даврдаги директори Н. Ё. Ғоибов), менга душанба куни эрталаб телефон қилсин», — деди.

Ранг ҳамон оппоқ, лаблар кўкарган, қўллар ҳануз қалтирарди. Хайрлашиб, қўлларини кафтларимга олганимда титроқ кучайганини сездим, йўқ, жоним, билан туйдим...

Бу 1983 йилнинг 3 феврали оқшоми эди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида бизнинг қўлимизга КПСС Марказий Комитети Котибиятининг К. У. Черненко имзо чеккан қароридан нусха бериш.ди. СССРнинг турли минтақаларидан атиги 8 киши (Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидан ёлғиз мен эдим) академиянинг докторанти бўлган эдик.

Сентябрнинг биринчи кунидаёқ иш режаларимни белгилаб олган, асосий ишим «Муқаддима», «Хотима»ни ёзиш ва «Фойдаланилган адабиётлар»ни тартибга солиш эди. Монография ва рисола рус ҳамда ўзбек тилларида чиққан, иккинчи монография эса «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилмоқда эди. Бу томондан кўнглим тинч бўлгани сабабли кўпроқ вақтимни, асосан кечқурун, таржимон-муҳаррир билан ишлашга ажратган эдим. Умумий маромга тушиб олгандим. Ишларим режадагидек борарди.

Саҳар тонгда ёмон тушдан уйғониб кетдим. Кўз очишга ҳам улгурмасдан телефон қаттиқ жиринглаб қолди. Олсам, таниш рус овоз: «Нарзулла, пешонамизга сиғмади Шароф Рашидович. Саҳармардонда Нукусда жон таслим этди у киши. Келишинг керак».

«Ё, парвардигор, қандоқ хабар етказдинг менга. Наҳотки, рост бўлса шу гап». Хаёлу бехаёл Олий партия мактаби ректори М. И Искандаров уйига қўнғироқ қилдим.

Ҳаммаси рост эди...

«Энди нима қиласиз? Диссертация нима бўлди энди?» деган қасду хусумат тўла саволу нигоҳлар мени Шароф Рашидовичнинг бокира руҳи билан қарши олди юртимда — Ўзбекистонда. Савол берган одам ҳозир ҳам ҳаёт. Одам ўрнида кўрмаслигимни, кўролмаслигимни яхши билади у. Лекин нигоҳлар... Одамлар уммонида марҳум видоси сари оқарканман, таниш нигоҳларнинг бесас ҳамдардлик тиллари бу қадар ақл бовар қилмас фавқулодда теран мазмундорлик, сўз-ла ифодалаш мумкин бўлмаган илоҳий сеҳр-қудрат ва на шуурим, на қора кийган туйғуларим, на оғриқ-азобли руҳим туя олмаётган яна қандайдир номлию номсиз моҳиятлар касб этганлиги, этаётганлигини негадир жоним билан жисмонан ҳис қилиб борардим. Буюк мотам халқимни, элимни табиий бирлаштирганди. Тириклигидаёқ ўз халқи номию руҳининг синонимига, рамзига айланиш муқаддаслигини кўрдим, кўриб туриб теран туйдим мен ўшанда. Мотам оғриғи ичра руҳимда ифтихорлик уйғонди...

«Диссертация нима бўлади энди?» саволи мени билган, таниган кишилар хаёлида мотам билан уйғунлашиб кетганлигини ҳозирча айтиб юришади. Айниқса, оғир дамларда ҳам мендан мардона юз ўгирмаган, ўгиролмаган дўстларим, профессор Салоҳиддин Мамажонову ёзувчи Мақсуд Қориев сингари устозларим...

«Мен доктор бўламан!» деб ўша суботсиз «оппонентим»га берган жавобим устидан чиқдим. Афсуски, ўша диссертация билан эмас, мутлақо бошқа, янги мавзудаги иш билан доктор бўлдим мен.

О, ёш жоним-эй, ёшгина гул умрим-эй...

Йўқ, бу ношукурлик эмас, бу нолаю афғон ҳам эмас, ўқувчим! Бу — менинг емишим, қисматим, ҳаётим. Мен ундан, қисмат ҳаётим мендан қочмадик, буюк ўжарлик-ла қочмадик биз бир-биримиздан. Ва ўзимизга, на хотирага ва на порлоқ нурли табассум-ла ҳамиша бошим узра турмиш тирик руҳга хиёнат қилмадик. Шукр. Ахир, шунинг ўзи бутун бир дунёки, бутун бир тўлиқ ҳаёту умр-ку. Инсон боласи умрининг ортиқ фалсафаси ҳам бўладими, ахир... Мен мана шу ҳаётни, шундай умрни яшадим. Руҳ билан бирга яшадим. Арвоҳга сиғиниб, улуғ руҳга талпиниб яшадим. Вой демасдан, Рашидов руҳи уволию қарғишига қолмасдан, ўзлигимдан мағрур ва беминнат яшадим. Истиқболимни тортиб олганларга, руҳимни сўндирганларга қасдма-қасд яшадим. Руҳга сиғиниб-сиғиниб, арвоҳга бош уриб-уриб ўз-ўзимга, хаста юрагиму жисмимга қасдма-қасд яшадим. Яшаб қолдим. Ёвузлар бор бисотимгача олишди, «ит»ларига талантиришди, ўзлари талашди. Тўйиб-тўйиб талашди, ҳузур қилишиб талашди. Ҳасрат билан, қора юрак билан тўйиб-тўйиб талашди. «Иккинчи диссертацияни фавқулодда оз вақт ичида ёзиб, биринчи диссертация ва у билан боғлиқ жанжалли, мутлақо боши берк муаммо гирдобидан қандай чиқиб кетди бу, ақлимиз бовар қилмайди», деган бот-бот аламли иқрор билан талашди улар.

Мен на кечанинг ва на кундузнинг, на вақту ва на маконнинг фарқига бормай, мубҳам вақтсизликнинг мубҳам маконлари ичра ўз ёғимга ўзим ёлғиз қоврилиб, «бадном» Ўзбекистон учун, унинг «бадном» Компартияси учун, «бадном», «ўғри», «порахўр» халқим — ўзим учун ўзимдан кечиб, қонлар ютиб, Кунцева касалхоналари реанимацияларида бехуш ётиб, она осмонимнинг бир парча мовий кўкинию мармар ҳавосини соғиниб, улар билан видолашиб, уларга сиғиниб-сиғиниб кўз ёшларимла, ипга осилиб турган ҳаста юрагимнинг ҳасратлари-ла, беун нолалари-ла марказ билан, мамлакат билан, дунё билан, туҳматлар билан якка олишардим. Бироқ мени қўли билан ҳам нигоҳи билан: «Мана у, ўзбекнинг типик вакили. Улар ҳаммаси бир ғўр: найрангбоз, айёр, қобиляитсиз ва... ўғри, муттаҳам», — демасин, деб ўзим билан ҳам улар билан олишдим. «Мен, албатта, ғолиб келишим шарт. Иккинчи диссертация вақтида тугаши шарт. Нарзулла, ортингда «бадном» халқинг, юртинг чорасиз мўлтираб турибди туҳматлар ичра», деб «шарт»лар билан яшардим. Миям тафаккур кескинлигидан ўн, ўн беш йўналишда ЭҲМдек аниқ ва равшан ишларди. Мен ўз стихиямни топган ва унда яшар эдим. Умримнинг энг маҳсулдор ва пурмазмун палласи, ниқоят, мени алқади. Ўз устимдан ўзим ғолиб келган эдим. Мақсадга эришган эдим: диссертация тугаганди ва вақтида ҳимояга тавсия этилганди. Фақат мен касбдошларимдан «Шарқ фанати» деган номни олгандим, холос. Улар мени яхши кўришиб қолишган эди. Бу меҳру ишончларини ҳануз аввалгу келишмоқда улар.

Афсуски, бу ғолиблик то ҳануз менга қиммат-га тушиб келмоқда. Ақлимга, қора меҳнатимга ва табиат инъом этган туғма қобилият — иқтидоримга яраша маломатдан, ҳасаддан бўлак на қадр топдим ва на қиммат...

Лекин кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишдек бош лавозимларда бўлмиш бахиллар ишхонамдаги «ўйинчи»лар каби бир омилни — менинг ёшлигим ва ўз йўлимдан қайтмаслигимни, зотан, худди шу билан мен маънавий ғолиб эканлигимни ҳисобга олишмаган эди. Фаросатлари етмади, шекилли. Улардан биттаси Догонкин — анча кеч тушунди, аниқроғи, тушунишга мажбур бўлди. «Қанақа қайсарсан ўзи, бошингга урган сари сузиб келаверасан. Ғирт фаросатсизсан. Бутун жумҳурият кадрлари қўлимдалигини яхши биласан. Мен кетсам, биз келамиз. Бунинг маъносига эса сенинг ақлинг етади. Биламан, бошингни тиқсанг бўлди, кейин бутунисича кириб кетасан сен. Ҳар қандай участкага ўйнаб-ўйнаб раҳбарлик қилишингни, табиатан лидерлигингни, одамлар билан ишлай олишингни биламан. Жуда хавфлисан. Шунинг учун ҳам қўймайман сени. Тирик эканман, Ўзбекистонда сен учун истиқбол эшиклари берк (Нафақат Ўзбекистон, балки Тожикистону Туркманистон ҳам беркитилган эди). Қани, биров очиб кўрсин-чи!» «Очади»... «Фақат менинг ўлимимдан кейин!».

Мен яқинда бу «арбоб» устидан навбатдаги маънавий ғалабага эришдим. Буни у ўзи тан олиб айтди: «Биламан, ҳомийларнинг зўр марказда, — деди у эзилиб. — Бизнинг рухсатимизсиз, розилигимизсиз сени марказга, Старая площадга олиб кетишмоқчи (Ижтимоий фанлар академиясида бирга ишлашган дўстларим — касбдошларимнинг бир қисми КПСС Марказий Комитети маҳкамасида катта лавозимларда ишлар, ҳозир ҳам мени жуда яхши билишгани сабабли қисматим билан доимо қизиқишиб келишарди. Бир неча марта Ўзкомпартия Марказий Комитети котибларига ҳам гоҳ илтимос, гоҳ тўппадан-тўғри топшириқлар бериб, мени ўз ўрнимда фойдаланиш кераклигини айтишди, лекин бу зот — Догонкин девор бўлиб тўсқинлик қиларди. Шундан сўнг улар тазйиқларга қарамасдан ўзларига, КПСС Марказий Комитети маҳкамасига ишга олмоқчи бўлишди мени. Икки марта суҳбатдан ўтиб, масала энди ҳал бўлаётганда марказий маҳкама навбатдаги, бу гал энди қарийб тенг ярмига қисқариши хусусида фармойиш берилди. Узр сўрашди). Арзийсан. Билимдонсан. Компетентлисан. Сен мендан ҳафа бўлма, ука. Ҳар даврнинг ўз ҳақиқатлари бор. Мен, биз сенга душман эмас эдик, эмасмиз ҳам. Сен ўз-ўзингга душман эдинг. Рашидов ҳақидаги китобларинг, диссертациянг душман эди...». Ана шу тариқа мендан узр сўраган бўлиб, яна мени фаросатсизларча ҳақорат қиларди у. Ўз сўзларига ўзи ишониб, тавба-тазарру қилаётганига ишониб, эзилиб-эзилиб иқрор бўлмоқда эди у.

— Шарроф Рашидовнинг XXII съездда сиёсий оқлангани билан қутлайман, — деб уни табриклаган бўлдим.

Мен мақсадимга эришган эдим: у ҳали ҳам ўша лавозимда туриб, ҳамон ўзбек кадрларининг тақдирини ҳал этаётган арбоб мағлубиятини тан олиб, бақрайиб турарди олдимда. (Ҳозир бошқа ишга ўтган). Шўрлик! Раҳмим келиб кетди унга...

Ана шу тариқа тарихий саноқли йиллар маконию замонида мен ўзликни, қадрни англашдек ғоят серсамар, ғоят драматик, ғоят фожиали яшаб ўтдим. Ўзимдан воз кечмай, буюк хотира, буюк руҳу арвоҳга — Рашидовга ҳиёнат қилмай, принципларимдан чекинмай, мамлакатлару таъналар селлари ичра, хиёнату ҳақоратлар узра жисму жоним эвазига бутун бир ҳаётни яшаб бўлган эдим. Мен — бахтиёр одам эдим!

Академик П. Н. Федосеев Сочида дам олаётганимизда бир рост гапни айтган эди: «Шароф Рашидовичдек раҳбари бор халқ ҳам, юрт ҳам саодатлидир. Ҳавасим келади сизларга. Сиз— бахтиёр халқсиз. Айтиб қўяй, унинг қадрига етинглар, яқин юз, икки юз йилда сизларда бундай арбоб чиқиши даргумон». Донгдор файласуф фақат кейинги луқмасида ноҳақ чиқди... Шукроналар бўлсинки, ҳар томонлама эзилган халқу юртга тақдир И А. Каримовдек тоза сардорни инъом этди. Қадимий ўзини-ўзи бошқара олишдек бошқарув санъати қонида, наслида, жонида бўлган, тажрибали, анъанали маърифий халқим, ўзингбоп, ҳар қайдай залворли панжага залворли панжа уришга қодир сардоринг насиб этсин сенга.

Мен фурсатдан фойдаланиб, барча муштарийларга, бутун халққа «Азиз юртдошлар, келинг, бир тану бир жон бўлиб Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, истиқболнинг мураккаб манзиллари йўлларида кучларни бирлаштирайлик, Ислом Абдуғаниевич сиёсатига камарбаста бўлайлик. Лозим топилса, шу сиёсатни ҳимоя қилиш жумҳурият комитетини тузайлик, деб мурожаат қилмоқчиман. И. А. Каримовнинг халқ ўртасидаги обрўси — рейтинги баланд бўлса-да, барибир унинг сиёсати ҳар томонлама онгли ҳимояга муҳтож. Биламан, вақти келиб, мени яна уришлари мумкин. Тайёрман ҳозирдан. Тажриба етарли...

Рашидов айтолмаган, қилолмаган, юрагининг қат-қатларига буюк армон бўлиб тошқотган орзулар унинг порлоқ хотираси, руҳи каби қисман рўёб юзини кўра бошлади. Ўзлигинг муборак бўлсин, халқим! Халққа хос тирикчилик сари юз тутганинг рост бўлсин, халқим! Уммонсан, уммондек тирикчилик қутлуғ бўлсин, халқим! Дунё меҳварида ўз қонуний ўрнинг кутмоқда сени. Ана шу манзил сари буюк ўғлонларинг руҳлари узра тортган сафингга кўз тегмасин!

* * *

Мен ички ифтихору ғурур билан юрагимнинг бош йўли — Шароф Рашидов номидаги шоҳкўчадан ўйчан, вазмин ҳолда истиқбол сари— Ўзбекистонимнинг мустақиллиги сари бормоқдаман. Қадам босган сари ўзимни дадилроқ, ақллироқ, мардроқ ва ботирроқ сезаяпман. Мени, Ўзбекистонни, сени, нурлардан яралган улуғ Рашидов руҳи ним табассумла қарши олмоқда. Унинг муборак пойига гуллардан поёндоз солишга шошил, халқим, юртим. Вақт ғанимат, тезроқ бўл, элим. Гуноҳларингни, уволларингни ювишга шошил! Савобга шошил!

Менинг бошим узра, она Ўзбекистон кўки узра миннатдор руҳ — Рашидов руҳи ним табассум-ла кезиб юрибди.

(Давоми. Бошн 7 ноябрь сонида).

• *Диққат: янги нашр*

«МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ»

Жумҳуриятимиз ойномалари сафига яна бир ижодий жамоа қўшилаяпти. 1992 йил январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Мактабгача тарбия» илмий-методик, ахлоқий-таълимий журнали чоп этила бошлайди. Унинг саҳифаларида тарбия назарияси ва амалиётига бағишланган илмий мақолалар ва қўлланмалар, «Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси», барча турдаги болалар боғчалари учун дастурлар, кичкинтойларни халқ анъаналари ва урф-одатлари, ўйинлари, қўшиқлари билан таништирадиган, улар руҳига жаҳон халқларининг ахлоқ, нафосат, тарбия маданиятини сингдириш йўл-йўриқларини таклиф этадиган илмий-методик мақолалар берилиб борилади. Боғчадаги таълим-тарбия жараёнига оид тавсиялар, қишлоқ боғчалари, хонадонлардаги боғчалар ва омилкор (новатор) тарбиячиларнинг иш тажрибалари, болалар учун янги мусиқа асарлари, шеърлар ва машғулот намуналари, ўйинлар ойномада кенг ёритилади. Шунингдек, ёш ота-оналарга маслаҳатлар, руҳшунос, шифокор, жисмоний тарбия мутахассисларининг илмий-методик асарларига кўпроқ ўрин ажратилади.

Энг муҳими — ойнома муштарийлари миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, жаҳон маданиятининг намуналари билан таништириб борилади.

«Мактабгача тарбия» тасвирий санъат намуналари, оқ-қора ва рангли фотолар, зарур кўргазма манбаълари билан безатилган, кўзни қувнатадиган, завқ-шавқ уйғотадиган ойнома бўлади ва у ҳар бир хонадонга кириб боради, деб умид қиламиз.

Наинки фақат мактабгача тарбия мутахассислари, балки турли соҳа вакиллари, орзиқиб фарзанд кутаётган келин-куёвлар ҳам, боласининг бўйига ўлчаб гул ўстираётган ота-оналар ҳам, невара, чеварасининг бахтини тилаган бувию бувалар ҳам ойнома саҳифаларидан ўзларини қизиқтирган жуда кўп масалаларга жавоб топа оладилар.

«Мактабгача тарбия» ойномасининг индекси: 75310. Обуна баҳоси: 1 йилга — 12 сўм.

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ,
«Мактабгача тарбия» ойномасининг бош муҳаррири.

Афғонистондан табрик

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикасида «Мактабгача тарбия» ойномаси таъсис этилганини эшитиб, ниҳоятда мамнун бўлдим. Мактабгача тарбия баркамол инсонни шакллантирувчи сарчашмадир. Бу муҳим фасл оила ҳамда тегишли муассасалар фаолиятини қамраб олади. Бинобарин, фақат мактабгача тарбия мутахассисларининг эмас, балки оиланинг маънавий эҳтиёжларини қамраб олса, мазкур ойнома умумхалқ нашрига айланиши мумкин.

Мен узоқ йиллар давомида Афғонистонда яшайдиган ўзбекларнинг бадиий оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, илмий тадқиқ қилиш, оммалаштириш иши билан машғулман. Шу жумладан эл оралаб кезиб юриб ўзбек болалар фольклори дурдоналарини ҳам тўплаганман. Уларни дастлаб Қобулда, сўнгра Тошкентда «Халқ дурдоналари» китобимда, шунингдек, матбуот саҳифаларида чоп этганман. Ушбу эртаклар, ўйинлар, қўшиқлар нашр этилажак янги ойнома орқали янада кенг ёйилишини орзу қиламан. Тағин шуни айтмоқчиманки, Афғонистон ўзбекларининг фольклорини ёзиб олиш ишини давом эттирмоқдаман. Тўплаган жавоҳирларимни «Мактабгача тарбия» ойномаси муштарийларининг эътиборига ҳавола қилиш ниятидаман.

Умидим шуки, янги ойнома миллий қадриятларимиз тарғиботига алоҳида эътибор билан қарайди. Алишер Навоий сингари даҳоларимизнинг бой ижодини ҳамиша назарда тутади. Ҳеч шубҳасиз, Афғонистон ўзбеклари орасида ҳам «Мактабгача тарбия» обуначилари бўлади.

«Мактабгача тарбия» журналининг қадами қутлуғ келишига ишончим комил.

Доктор Файзулла АЙМОҚ,
Афғонистон Жумҳурияти радиосининг хорижий тиллардаги эшиттиришлар бўлими бошлиғи.

Кобул.



Самарқанд вилоятининг Челак ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги 1300 гектар майдонинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта йиғиб олди. Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида кузги қишки дала ишлари қизғин олиб борилмоқда. Пахтадан тозаланган ерларга 4 та ҳайдов трактори чиқарилди. Шудгор қилишда хўжаликнинг илғор тракторчиси Сафар Эшбеков кунлик кўрсатгич бўйича пешқадам.

СУРАТДА: С. Эшбеков.

Т. ТУРСУНОВ олган сурат.

Ўткир ҲОШИМОВ 50 ёшда

ҚАРЗДОРЛИК

«Ўткир Ҳошимовга Абдулла Қаҳҳор хат ёзган. Ёш ёзувчига у ҳимо берган...» — Биз учун бу яқин-яқинда, адабий иқлим доирасида англанган ҳақиқат. Дафъатан эса...

...Ўқув дарсликлари орасида «Шарқ юлдузи» суқулиб кирган ва унда Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди»си ёруғлик кўрган эди. Ёш адибнинг маромини келтириб тушган сурати ҳам ҳамон кўз олдимда. Ўша кезлар куни кеча муаллимлик олий билимгоҳини битирган, муҳаббат ёлқинлари дилини ҳали тарк этмаган гулдай бир санам тортиниб-қимтиниб адабиётдан бизга сабоқ берган, эҳтимол, «Толстой рус революциясининг кўзгуси», «Ҳамза — ўзбек совет адабиётининг асосчиси» қабилидаги сийқа тушунчалар зада этгандир, эҳтимол, сўнг дафъа ёлқин олган унинг туйғулари бизнинг уйғониш палламизга уйғун кечгандир, ҳар қалай, нима бўлганда ҳам таҳсил пайти маънан аллақачон кўҳнарган кўк жилдли қалин дарслик бир четда қолиб, унинг бирон-бир саҳифасида исму шарифи қайд этилмаган Одил Ёқубов, Пиримқул Қодирбв, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби номлар тилдан-тилга кўчар, гарчи мавзуга мутлақо даҳли бўлмаса-да, ўша шоирларнинг шеърлари ёд ўқилар, насрий асарлари таҳлил этилар эди.

Дунё экан,
Ишқ деган савдо
Бормн фақат менинг бошимда.
Кимин этмас бу ҳаёт шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда.

Хотирада ўша кезлардан қолган хира ёдгор бу. Ёки «Баҳор қайтмайди»даги «Кетмоқдаман»...

Шу баҳсу муроқабалар, эҳтимол, икки ўртада кўприк бўлгандир, эҳтимол, айни шу дамларда аждодлардан мерос инқилобий жандадан халос бўлиб, занг босган қонли қиличларга ҳою ҳавасни унутган, секин-аста одам боласига ўхшаб ўз дардимиз, снёсатдан ҳоли ўз дунёмизга, аслимизга қайта бошлаган чиқармиз...

Ўткир Ҳошимов...

Ҳар бир ном ёд этилганида бошқа бировникига сира ўхшамайдиган ўзига хос дунёни тасаввурда намоён қилади, шундай табиатга эга у.

Ўткир Ҳошимов...

...Узоқ йиллар «Оқшом»нинг адабиёт бўлимини бошқарди, бир қўшчига бир бошчи деганларидек, унинг яккаю ягона ходими — Ғаффор Ҳотамов. Ҳафтасига — адабиёт саҳифаси, тағин фалон корхонанинг маданият саройида КЕЧА фалон янгилик рўй берди, қабилидаги биров сариқ чақага олмайдиган хабарлар топиш ташвиши...

Бекор қолган пайтларда эса столнинг бир четида ётгувчи мармар тахтача билан ёнғоқ чақиб — албатта, ёнғоқ бўлган тақдирда — эрмак қилар эдик. Ўша мармар тахтачада...

Бирдан қаламтарош тиғида агар
Олис юрт гардини кўриб қолсанг ҳам,
Шу дам ҳамма нарса ўзгариб кетар
Рангларга бурканиб кўринар олам...

Ўша мармар тахтачада шундай бир битик битилган эди: **«Гар қалбингни ўртаса алам, ҳамдард бўлсин дардингга қалам».**

Тасаввур қиламан: қачондир у яп-янги патли қаламнинг ҳали охори кетмаган таглиги бўлган. Кимдир — эҳтимол, ўн саккиз яшар қиз — ҳар доим шу қаламга узалган пайти ёзувга кўзлари тушсин ва бир лаҳза тин олиб, мени ёд этсин, деган илинжда адибга уни инъом қилгандир.

Ҳа, уни севишар, китобларини қўлдан қўймай ўқишар, бундайлар доираси жуда кенг эди...

Зеро, у муҳаббат қуйчиси.

Зеро, у Шукшиннинг илк таржимони.

Зеро, у «Шарқ юлдузи»нинг бош муҳаррири...

Ҳар не бўлганда ҳам, барибир ёзувчи ёзувчилигича қолади: у ҳақда, унинг эътиқоду имони, тафаккур тарзи, истеъдоди кўлами ва қодир имкониятлари ҳақида бор ҳақиқатни аслида қаламидан тўкилган асарларигина сўзлаш ҳуқуқига эга.

Яқинда мен адибнинг «Ўзбек иши» ҳикоясини қайта мутолаа қилдим. Асар кечаги кун ҳақида, умумий ҳаросати бизга таниш бўлган, бошига мусибат тушмаган оилалар умумий ваҳмдан юраклари увишса-да, ўзларини хиёл четга олган, ўт кетган хонадонлар ҳолига ачинса-да, бироқ хоинона қараб турган, бизнинг, халқимизнинг табиатидаги бечораҳоллик кўзга яққол ташланишига имкон туғилган машъум «пахта иши» ҳақида — кўргуликнинг зада бўлган юракларда ҳамон битмаётган жароҳати аниқтиниқ унда кўзга ташланиб турибди.

Устивор миллат кишисининг ўзига нотаниш— бизнинг ҳаётга ҳакамлик қилиши, гарчи етмиш йил қардошлик ҳақида дов солинган бўлса-да, унинг юрагида муқим яшаб келаётган бизга нафрат, биздан бегоналик ҳисси, адибнинг халқига бўлган ҳурмати ва мавриди келганда уни улуғлаши — барча-барчаси бу асарда ўзининг тажассумини топган. Гарчи у ҳозиржавоблик билан ёзилган бўлса-да...

Кўрамизки, «бошига оқ мато ўраган аёллар, дўппи кийган эркаклар икки букилган кўйи пахта тўла этак орқалаб, прицеп томонга турнақатор келаяптилар. Худди ўзидан катта буғдой бошоғини ортмоқлаган чумолидек. Бир хиллари эгат оралаб ивирсиб юришибди. Бўйнига этак осган, чотини кериб, ғайритабиий гангдираклаган куйи қадам ташлайди. Ҳар бир ғўза бошига эгилиб, икки қўллаб пахта теради...».

Гарчи улар пахта заҳматига кўмиб ташланган, ўзи, фарзандлари, келажаги ҳақида ўйлашга зиғирча фурсат топа олмай чангу ғуборга, мўътелик ташвишларига қоришиб яшаса-да, ўзига, оиласига, дилбандларига қарашга зарра имкон топа олмаса-да, замона зайли уни шундай балою офатга гирифтор этган бўлса-да, барибир қачондир ер юзига ўзининг мавжудлигини англатган, катта бир маданият яратган халққа мансубдир, гарчи бу кун у нотавон бўлса-да, шу мансублик туйғуси ҳамон унинг қонида яшаб келади: «Ўша ондаёқ кампир ичкаридан янги кўрпачалар олиб чиқди. Хонтахта атрофига поёндоз тўшаб, оппоқ, озода дастурхон ёзди. Бир зумда тўртта каттакон патир, патнисда олтиндек товланиб турган узум олиб келди».

Шу сатрларни ўқир эканман, беихтиёр Ҳерман Вамберининг: «Туркистонда оддий меҳмонга ҳам дастурхон ёзадилар. Рангин, қалин матодан тикилган дастурхон кўпинча кир бўлади» деган маломати ёдимга тушди. Бир халқни севиш учун аввало унинг қони шу халққа мансуб бўлиши керак экан-да, деб ўйладим.

«Ўзбек иши» хотимасида адиб бир бегуноҳ ўлимига сабаб бўлган ноинсофнинг инсофга келишини тасвирлаб ўтади.

Шу пайтгача ноинсофнинг инсофга келишини, хусусан, мустабиднинг ён беришини бирон-бир киши кўрганича йўқ. Одам боласининг табиатидаги худкомлик уни фақат разолат сари етаклайди, холос. Инсоният тарихида ё табиий, ё ижтимоий қудрат таъсирини сезмасдан туриб бировнинг бошқа бировга ён бериш ҳоли деярли содир бўлмаган, аммо қалам аҳли инсонни тутиб тургувчи кўнгилдаги сўнгги илинжни ўлдирмаслик учун ҳам шу йўсиндаги истакона ҳолатларни чизиб ўтади. Табиатимизда ёвузлик ҳар қанча устивор бўлмасин, қаламдан тўкилган сатрлар ичра эзгу ниятлар хумо қуши янглиғ юз кўрсатиб турса... аслида бу ҳам бир ҳиммат-ку!

Ўткир Ҳошимов асарларида инсон зотига нисбатан меҳру муҳаббат ҳисси доимо силқиб кўзга ташланади. Бу унинг дастлабки ҳикояларидан то сўнгги — ҳажман бир-биридан салмоқли «Дунёнинг ишлари», «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси» каби қиссаю романларигача хос фазилат...

Куни кеча тасодифан бир маҳаллар бизга адабиётдан сабоқ берган, ўзича дарсликка ислоҳ киритган ўша муаллиманинг суратига кўзим тушиб қолди. У хиёл сарғайган ва ғижим бўлган, тағин суратдаги аёлнинг юзларига ажин тушиб, етмиш яшар кампирникидай сочлари оқариб кетган эди. Ва бу менинг дилимда аянч туйғулар қўзғади: бир пайтлар жуда азиз бўлган неъматларнинг охори тўкилган, аллақачон улар ўтмишга айланган, умрнинг хира торта бошлаган саҳифалари эди булар. Буни ҳис этмаслик ҳеч мумкин эмасди...

Ёшлик кезлари ҳақида ўйласак, «Муқаддас», «Баҳор қайтмайди», «Ун саккизга кирмаган ким бор», «Биринчи муҳаббатим»... беихтиёр ёдга тушади, зеро, бизнинг мурғак туйғулар мана шу заминда илдиз отган, гарчи дунёқараш ва адабиётга муносабат кун сайин, соат сайин ўзгариб бораётган бўлса-да, бизга тенгдош насл даставвал маънавиятнинг шу чашмаларидан зиё эмган, қарздорлик жойимиз шунда аслида...

Ғаффор ҲОТАМ.



Ғаффор Ҳотам ва Ўткир Ҳошим суҳбатда. Абдул Ғани ЖУМА олган сурат.

ҚИРҒИЗИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

ҚИРҒИЗИСТОН Адлия вазирлигида яна бир сиёсий ташкилот «Эркин Қиргистан» рўйхатга олинди. Ҳозир партиянинг уч мингдан зиёд аъзоси бор. Улар иқтисодий масалаларда мулкчиликнинг барча турлари, жумладан хусусий мулкчиликни ривожлантириш тарафдорларидир.

ИЖАРАЧИ ВА ТАДБИРКОРЛАР АНЖУМАНИ

БИШКЕКДА жумҳурият ижарачилари ва тадбиркорларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қирғизистондаги иқтисодий аҳвол таҳлил этилди. Шунингдек, ижарачилар ва тадбиркорларнинг мустақил касаба уюшмаси тузилди.

ҚУЧМА ЙИҒИЛИШ

ЎШДА СССР Халқ маорифи давлат комитети ўқувметодик бирлашмасининг кўчма йиғилиши ўтказилди. Унда Иттифоқимизнинг 30 дан зиёд технология билимгоҳлари ва коллежлари ректорлари, олимлар, етакчи мутахассислар иштирок этишди.

Йиғилишда маиший-коммунал хизматлар учун етук мутахассислар тайёрлаш, билим юртлари, техникумлар, институтларни бир тизимга бирлаштириш, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳининг Андижон филиалини мустақил илмгоҳга айлантириш каби муҳим масалалар муҳокама этилди.

КОМСОМОЛЛАРНИНГ СЎНГГИ ҚУРУЛТОЙИ

БИШКЕКДА Қирғизистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Уюшмасининг сўнгги қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон ЛКЁУси Қирғизистон Ёшлар уюшмасига айлантирилди.

«ЗАМАНА»ГА АЙЛАНДИ

«САЯСИ трибуна» жумҳурият ойномаси жамоа хоҳишига кўра «Замана» деб ўзгартирилди.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

СССРнинг Люксембургдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ч. Айтматовга Қирғизистон Республикаси Президентига АҚШнинг «Стернфельд молиявий гуруҳи» етакчиси, Ғарбнинг йирик ишбилармонларидан бири Сомьюел Стернфельд мактуб йўллаган эди. Яқинда ўша хат матни Қирғизистон матбуотида эълон қилинди. Унда айтилишича, жаноб Сомьюел Стернфельд Қирғизистон Республикасига 10 йиллик муддатга имтиёзли фоиз билан (3—4 фоиз, бу очиқ бозордаги ўлчамдан анча оз) 100 миллион доллар кредит бериб туриш истаги борлигини билдирган.

«МУРАС» АТЛАСЛАРИ

ЎШДАГИ «Мурас» халқ бадиий ҳунармандчилик бирлашмасида қўлда атлас тўқийдиган цех очилди. 20 кишидан иборат жамоа нозик ҳунарни қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди.

Р. КАРИМОВ.

ЛАБЗИ ҲАЛОЛИМИЗ СИЗГА, МУШТАРИЙ!

— **Сиёсий мустақиллиги эълон қилинган Ўзбекистон иқтисодий-молиявий жиҳатдан оёққа мустаҳкам туриб олиши йўлларини қай тарзда излаб топажагига қизиқсангиз;**

— халқ депутатларининг, маҳаллий советлардан тортиб Олий Кенгашгача бўлган ҳокимият маҳкамаларининг жўшқин фаолияти, улар ишининг демократиялашуви суръатларидан, бу борадаги тўсиқлар, қийинчиликни енгиш қандай бораётганидан бехабар қолмасликни;

— **Олий Кенгашда қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлатлараро шартномалару битимлар ижросининг боришини кузатмоқни;**

— маданий ҳаёт, адабиёт, санъат янгиликларидан, энг яхши бадиий асарларни ўқиб боришдан баҳра топмоқни;

— **ахлоқ-одоб, оила ва никоҳ, дину диёнат, таълим-тарбия, тарихий қадриятлар, ўтмиш мероси, буюк аждодларимиз ҳақидаги мақолаларни ўқимоқни;**

— кўп партиявийлик шароитида ҳур фикр, эркин сўз, озод ҳаракат кўламларини таъминлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқининг, қадр-қимматининг устиворлиги ва дахлсизлигига эришиш жараёни жангу жадалларидан хабардор бўлишни;

— **халқ хўжалиги барча тармоқлари, шаҳару қишлоқлардаги меҳнат жамоалари, хизмат тармоқлари, ижарачилар, тижоратчилар, ишбилармонлар, ҳунармандлар нелар билан шуғулланишаётганига қизиқсангиз;**

— табиатга, атроф муҳитига, ер ости ва усти бойликларига таҳдид солувчилар йўлини тўсмоқни, Оролни қутқаришда қатнашмоқни ихтиёр қилсангиз;

— **бозор иқтисодиёти машаққатлари, нарх-наво бебошлиги исканжасидан омон-эсон чиқиш, енгил-елпи усуллар ила бойлик орттириш ҳирсига тушган ва бунга бемалол эришаётган каззоблар нафсини дадил тийиш учун курашдан четда қолмасликни;**

— **жилови ўз бўйнига ташлаб қўйилган ва кун сайин қутураётган беаёв жиноятчиликни таг-томири билан қуритиш борасидаги таклифларингизни билдиришни;**

— сиёсий-ижтимоий ўзгаришлардан, мустақил республикалар, аввало Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги давлатлар, СССР тасарруфидан чиққан ўлкалар, эллар; хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлару уюшмалар фаолиятига доир хабарлардан огоҳ бўлишни;

— **қувончу қайғунгизни, дарду ҳасратингизни, ўй-ташвишингизни, хуллас, дилингизда борини изҳор этишни;**

— қисқаси: содиқ дўст, беминнат маслаҳатчи, дилкаш суҳбатдош, самимий сирдош орттиришни истасангиз;

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЁЗИЛИНГ ВА УНИ ЎҚИНГ

Рўзномага обуна бўлиш шартлари, баҳоси ўзингизга маълум. Расмийлаштириш йил бўйи давом этади.

Юксак ишончингизни оқлашга, ё насиб, ҳозиру нозирмиз. Сизлардан хатлар, хабарлар, мақолалар кутамиз.

Камоли эҳтиром ила:

«Халқ сўзи» таҳририяти.

ЁВУЗЛИКНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ,

—дейди шўрчилик Холмуҳаммад Шарофуддинов

Нариги асрнинг иккинчи яримида ўрислар аста-секин Ўрта Осиёни забт этган эканлар —бунинг учун кимни айбламоқ керак? Араблар еттинчи асрда Ўрта Осиёни босиб олмаганмиди? Бўлмаса Муқанна нега ёниб кетди? Бақтрия империяси ер билан яксон бўлган экан —бунинг учун кимни айбламоқ керак? Умуман... айблаш шартми?

Баъзи бетайин олимларимиз кўп йиллар бошимизни қотиришди: «Ўрта Осиё Россияга ўз ихтиёри билан қўшилган эди!» Бекорларни айтибсиз: Ўрта Осиё Рус пошшолиги тарафидан жуда аёёрлик билан забт этилди.

Бир таёқнинг икки учи бўларди. Ҳар ёмонликнинг бир яхши томони бор эканда! Ўрислар ўзи билан тилини, маданиятини олиб келди. Биз— қадимги бақтирлар араб маданиятидан озиқланамизми, рус маданиятидан озиқланамизми — барибир эмас-ми? Ё босқинчидан босқинчининг фарқи борми? Агар биз ҳозир ўрисларни Ўзбекистондан қувсак, унинг ўрнини Бақтир маданияти эгаллашига кафолат борми? Қолаверса, ўтган юз йил давомида ўрислар билан ўзбеклар ога-ини ва демакки, ота-бола бўлиб кетди.

Шўрчилик Холмуҳаммад Шарофуддинов билан мен яқинда ана шу ҳақда суҳбатлашдим.

—Ҳа, кейинги пайтларда ўрисларни бир ёққа, ўзбекларни бир ёққа ажратишга ҳаранат қиладиганлар кўпайиб бораяпти. Мен уларнинг оғзига қопқоқ бўла олмайман, аммо ҳар гапки айтилган экан, уни муҳокама қилмоқ, ҳеч бўлмаганда муносабат билдирмоқ мумкин. Ана, ўша ватанпарварлар сари борайлик: ўрисларни Ўзбекистондан жўнатиб юборайлик.Шунда менинг ҳолим нима кечишини бир тасаввур қилинг. Чунки менинг аёлим ўрис. Биз Лариса Фёдоровна билан эллигинчи йиллари танишган эдик. Мактабимиз ҳам бир эди. Кўчамиз ҳам. Биз кўп қатори бирга мактабга борар сўнг бирга ўйнар, кейинчалик эса бирга киноларга борар эдик. Эллик бешинчи йили биз ўрта мактабни битирдик. Биласизми, ўша йиллари турмуш кўп оғир эди. Бизнинг ўртамиздаги ошкора муносабатни танишбилишларимиз жуда яхши билишарди. У бўлди, бу бўлди—вақтида тўй қилиб, никоҳдан ўта олмадик. Олтмиш тўртинчи йилга келиб биз тўй қилдик— никоҳдан ўтдик. Икковимиз ҳам олий маълумот олдик. Лариса Фёдоровна сиртдан ўқиди.

Икки ўғил, икки қизимиз бор. Тўнғич қизимиз уй-жойли бўлиб кетди. Ҳозир Душанбе шаҳрида истиқомат қилаяпти. Куёвимиз ўзбек— Ўктамбой. Невараларимиз Наргиза билан Санжар кўзимизга ўтдай кўринади.

Катта ўғлим Армия хизматини тугатиб қайтди.

Кенжамиз саккизинчи синфда ўқияпти.

Лариса Фёдоровна насроний дининнинг барча тартибларини адо этади. Аммо бунинг ҳеч кимга оғирлиги тушаётгани йўқ. Болаларнинг онаси туфайли ўрисларни, уларнинг маданияти, тарихи, динини янада яқиндан англадим. Насронийларнинг эътиқодидаги собитлик менинг ҳавасимни келтиради. Улар ўз эътиқодига жуда мустаҳкам.

Лариса Фёдоровна бизнинг урф-одатларимизни заррача камситмайди. Мен ўрисчани қанчалик билсам, Лариса Фёдоровна- ҳам ўз бекчани ана шундай яхши билади. Биз уйда ўрисчани аралаштириб гапираверамиз. Аммо ўрисча сўзлашганимизда ҳам, ўзбекча сўзлаганизда ҳам тутилмаймиз.

Биз ОДАМ АТО билан МОМО ҲАВОнинг фарзандлари эмасми, ахир.

Шундоқ бўлганидан сўнг жой талашишдан муддао нима?

Шунинг учун ҳам ўрисларни Ўзбекистондан қувишга даъват этувчи қишилар менинг кўзимга ватанпарвар бўлиб кўринмайдилар. Ё ёвузликнинг, босқинчиликнинг ҳам миллати бўладими?

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШВЕДЛАР БИЛАН БИРГА

Швециядаги «Альфа-лавал» фирмасининг вакиллари Наманган вилоятида бўлишди. Улар бунёд этилаётган қўшма Узбекистон-Швеция корхонасининг бунёд этиш суръатлари ва сифатидан мамнун бўлишди. Корхона Ильич номли давлат хўжалигида қад кўтармоқда.

Наманганликлар билан шведлар ўртасида тузилган шартномага кўра, сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишловчи районлараро завод ишлаб чиқариш биноларини маҳаллий бинокорлар бунёд этишмоқда. Швеция фирмаси эса технология ускуналарини етказиб беради, сўнг уларни ўрнатади ва созлайди.

Келаси йилнинг ўрталарида қўшма корхона консерва қилинган маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқара бошлаши керак.

(ЎзТАГ).

Сўзсиз сурат. Мусаввир А. Ҳакимов.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

КОРХОНАЛАР ҲАМДА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Эслатиб ўтамиз: — чуқур билимга эга бўлган иқтисодчи мутахассисларгина корхонага катта фойда келтиришлари мумкин.

Совет мустақил жумҳуриятлари иттифоқи статистика қўмитаси қошидаги статистика ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги раҳбар ходимлар ва мутахассисларни малака ошириш олий билимгоҳининг Ўзбекистон бўлими қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1992-93 ўқув йилларига ўқишга таклиф қилади.

I. МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ:

— **Халқ хўжалик тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили** ўқиш муддати 3 ой, ўқишни муваффақиятли тугатган ўқувчиларга 3-категорияли бухгалтер ҳисобчи деган мутахассислик ва гувоҳнома берилади, ўқиш қиймати 720 сўм.

II. МУТАХАССИСЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ:

— **Халқ хўжалик тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили;**
— **корхона, муассасаларда иқтисодиёт ва планлаштириш;**
— **халқаро иқтисодиёт ва коммерция;**
— **маркетинг;**
— **менежер;**
статистика ва иқтисодий таҳлил;
— **аудит-иқтисодчи.**

қайта тайёрлаш куллиётига ўрта махсус ва олий маълумотли бўлган мутахассислар қабул қилинади. Ўқишни битиргач уларга танланган мутахассислик бўйича диплом берилади. Ўқиш муддати ишлаб чиқаришдан қисман ажралган ҳолда 16-18 ой. Ҳужжатлар шанба ва якшанба кунларидан ташқари, ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Ҳужжатлар қабул қилиш муддати 1991 йил 23 декабргача. Қабул комиссияси олий билимгоҳга 23—28 декабрь кунлари танлов ўтказади. Ўқиш қиймати 4 минг сўм.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700077 — Тошкент шаҳри Луначарское шоссе 42-уй. Жамғарма счети 000609958 киров район саноат ва қурилиш банки, МФО 734321. Аҳборот учун телефонлар: 67-19-03, 68-54-52, 67-24-62.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 6307. 118800 нусхада чоп этилади.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12